



Ислом Нури

Дўзах!.. Аллох сакласин бизни у жойдан! Дўзах жуда хам ёмон жой! Унинг бир неча оти бор: Жаханнам, Жахийм, Сакар, Нор ва хоказо. Дўзах хозир хам бор. Уни Киёмат куни хар битта одам ўз кўзи билан кўради.

Ярамас одамлар Киёмат куни коронги зулмат, дахшат ва азоб ичида хор бўлиб қолиб кетадилар. Улар: «Бизга раҳм қилинглар», деб ялиниб, ҳаммадан ёрдам сўрайдилар. Уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. «Энди холимиз нима бўлади?..» – деб кўркиб, йиглаб турган пайтларида ҳамма ёқни тўс-тўполон, қий-чув ва кўркинчли овозлар босиб кетади. Одамлар қарасалар, жаханнамни олиб келинаётган бўлади. Бу ҳақда Пайгамбаримиз бундай деганлар: **«Киёмат куни дўзахни олиб келинади. Унинг етмиш мингта жилови бўлади. Хар битта жиловидан етмиш мингтадан фаришта ушлаб судраб, уни олиб келади».**

Дўзах жуда хам улкан бўлиб, у 7 қаватдан иборат. Унинг 7 та дарвозаси бор. Айтишларича, дўзах 7 қават ернинг остидадир. Энг ёмон жойи унинг энг пастки қавати бўлади. У ерга мунофиқлар тушади. Жаханнам шунақа чуқурки, агар қатта бир тошни ташланса, у жаханнамнинг тагига етмиш йил деганда етиб боради.

Киёмат куни жаханнам роса хам аччикланган холда бўлади. У ўзининг ичига ёмон одамлар тушишини билади. Шунинг учун уларни ютиб ёндиришга, азоблашга шайланиб, газабланиб келади. Дўзахдаги оловнинг қаттиқ ёнаётганидан ундан қарсиллаган, тараклаган, гумбурлаган овозлар чиқиб туради. Кейин гунохкорларни дўзахга ташлаш бошланади. Фаришталар ёмон одамларнинг номини айтиб: «Фалончи ўгли фалончи қани?!» – деб биттама-битта чакирадилар. Қофир, мунофиқ ва фосиқларни тутиб, уларнинг қўлларини



Ислom Нури

гарданларига, оёкларини бошларига килиб боглайдилар. Бўйинларига занжирлар соладилар. Сўнг темирлар билан уриб, жаханнамга судраб борадилар ва оловга улоктирадилар. Золим кимсага: «Сен дунёда ўзингни хаммадан зўр, аклли, энг кучли санаб юрар эдинг, мана, энди азобингни торт!» – деб айтадилар.

Дўзахга тушган одамларнинг устларида ҳам олов, остларида ҳам олов, ўнгу сўл томонларида ҳам факат олов! Бўйинларида лахча чўкка айланган огир занжирлар. Уларнинг овкатлари ҳам, ичимликлари ҳам олов бўлади. Яна уларга эритилган мисдан кийим кийгазилади. Бу азобни яна ҳам кучайтиради.

Дўзах олови билан бу дунёнинг олови орасида қандай фарк бор? Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтганлар: «...**Сизларнинг бу оловингиз жаханнам оловининг етмишдан бир қисмидир**». Демак, жаханнамнинг олови жуда ҳам каттик ва кучли бўлади.

Аллох Куръонда биз бу дунёдаги оловни дўзахни эслатиб турадиган қилдик, деган. Қадимда баъзи такводор кишилар оловни кўрсалар, дўзах эсларига тушиб, ранглари оқариб кетар эди. Куръондаги дўзах хақидаги оятлар ўқилса, кўркиб йиглар эдилар.

Дўзахдаги кишилар оловда ёниб туриб ҳам яна бошқа азоблар билан азобланадилар. Жаханнам фаришталари уларнинг юзлари ва баданларига темирлар билан урадилар. Дўзахиларнинг суяклари синиб, майдаланиб кетади, гўштлари титилиб, осилиб ётади. Ичларидан, огизларидан қон-йиринглар оқади. Қўл-оёклари боғлаб қўйилгани учун оловда юзлари, бошлари билан думалаб юрадилар. Юзлари кўмирдек қорайиб қолади. Терилари қуйиб тушиб кетади. Аммо унинг ўрнига яна янги терилар пайдо бўлади. Яна азоб, яна



Ислом Нури

олов. Улар оловда ёниб, «сув-сув», деб ялинадилар. Шунда уларнинг устларидан кайнок сув куйилади. Огизларидан ҳам кайнок сув куйилади. Улар бу дунёда айбсиз одамларни кийнаган, ўлдирган, хар хил гунохларни килган, Аллохдан кўрмаган берахм кишилар бўлишгани учун шундай азобланишади.

Дўзахнинг остидан юкорига караб ўсиб чиккан каттакон тош бўлади. Фаришталар кофир одамнинг юзини ана шу тошга ишкаб, пастдан юкорига судраб чикишади. Кейин уни темирлар билан уриб пастга кулатиб юборишади. Пастга етиб тушгандан кейин уни яна юкорига караб судрашади...

Жаханнамнинг каттакон аждахо илонлари, филдек келадиган улкан чаёнлари бўлади. Улар ҳам дунёда харом ишларни килган инсонларни чакиб, азоб беради. Баъзи кофирларни дўзахнинг ичида тор бир чуқурга тикиб кўйилади. Улар ҳеч бир кимирлай олмасдан азобланиб ётадилар. Баъзи бир кишининг корни ёрилиб, ичак-чавоклари чикиб кетади ва тошга ёпишиб қолади. Ўзи шу тошнинг атрофида айланиб туради. У бу дунёда одамларга яхши насихатларни килган, аммо ўзи амал килмаган одам бўлади. Шунинг учун биз ўкиган, билган нарсаларимизга албатта амал килишимиз керак.

Юкорида айтилганлар дўзах азобларининг бир кисми, холос. Дўзахилар у азобларга чидамасдан: «Эй дўзах посбони, бизни бу ердан чиқариб юбор, энди ҳеч гунох килмаймиз», деб ёлворадилар. Аммо дўзах посбонлари уларга: «Баттар бўлинглар! Гапирманглар бизга! Агар сизлар бу ердан чиксанглар, илгари килган ишларингизни яна киласизлар!» - деб айтишади. Дўзахилар дунёда килган гунохларига минг-минг пушаймон бўладилар. Бехуда ўтказган умрларига афсус чекадилар. Аммо афсуслари фойда бермайди. Охири улар ўлимни орзу



Ислом Нури

киладилар. «Канийди, ўлсагу бу азоблардан кутулсак», - дейдилар. Аммо у ерда ўлим бўлмайди. Факат азоб, азоб... Чунки улар дунёда жуда кўп ёмон ишларни килишган-да.

Жаханнамдагиларга Зариъ деган овкат едирилади. У тиконга ўхшаган бўлиб, томокка ёпишиб колади. На у ёкка юради на бу ёкка. Зариъ захардан аччик, ахлатдан хам сассик. Яна у ерда Заккум деган дарахт бўлади. У оловда ёнмайди. Олов теккан сайин катталашиб, ўсиб кетаверади. Унинг меваси хам дўзах ахлининг овкатиدير. Агар Заккум дарахти мевасининг бир томчиси бу дунёга тушса, дунёдаги хамма сувлар, овкатлар, мевалар ўша захоти сасиб кетади. Дўзахдагиларга яна Гислийн деган овкат хам берилади. У дўзахиларнинг баданларидан ва огизларидан окадиган кон, йиринглардан иборат.

Дўзахиларга ичириладиган ичимликлар 4 хилдир: Хамийм, Гассок, Садийд, Мухл. Хамийм бу - кайнок сув. Дўзахда ундан кайнок нарса бўлмайди. Гассок - кофирнинг гўшти ва терисидан окадиган йиринг. Садийд эса кон ва йирингдан иборат. Мухл - кайнаб турган ёг. Дўзахдаги кимсаларга ана шуларни ичиш буюрилади. Дўзахи одам Садийдни огзига олиб борса, огзи ва юзи куйиб тушади. Ичса, ичаклари узилиб- киркилиб, оркасидан чикиб кетади. Кимки бу дунёда арок ичадиган бўлса, Аллох унга дўзах ахлининг йирингларини ичиради. Аллох бизни хамма гунохлардан ва азоблардан Ўзи асрасин.

Дўзахиларнинг кўринишлари хам дахшатли ва кўркинчли бўлади. Юзлари куйиб бужмайиб кетади. Юкори лаблари тортилиб бошларигача чикиб колади. Пастки лаблари осилиб, киндикларигача тушади. Тишлари панжарадек очилиб, иржайиб колган бўлади. Баъзиларнинг кўриниши чўчкага ўхшаб колади. Агар битта дўзахи одамни бу дунёга келтириб кўйилса, одамлар уни кўриб кўркиб кетиб



Ислом Нури

ва сассигига чидолмай ўлиб колардилар.

Болалар, дўзахга қандай одамлар тушади, эшитганмисизлар?
Дўзахга тушадиганлар мана булардир:

1. Аллох ва Расулга иймон келтирмаган кофирлар, ўзини ёлгондан мусулмон қилиб кўрсатиб, Исломга, мусулмонларга зарар етказиб юрган мунофиқлар, диннинг ривожига тўскинлик қилган фосиқлар;

2. «мусулмонман», деб туриб, намоз ўқимаган, Аллох ва Пайгамбарнинг айтганларини тўлиқ бажармаган ёки Исломга ўзгартириш киритган кишилар;

3. халққа зулм қилган подшоҳ ва амалдорлар, одамларни кўрқитган, ноҳақ пулларини олган, қийнаган, қамокқа солган хизматчилар;

4. одам ўлдирганлар, ўзини ҳаммадан афзал деб билган қибрли кишилар, мактанчок-риёкорлар, кўпол, баджаҳл одамлар, уят ишларни қилган ахлоқсизлар, гийбатчи-чақимчилар, ҳасадгўйлар, фитначилар, алдамчилар, фолбинлар, ўғрилар, арақхўрлар, киморбозлар, харомдан пул топганлар, ота-онасини, қариндошларини, дўстларини қорози қилганлар;

Дўзахга мусулмон киши ҳам тушадими? Дўзах аслида кофирлар учун яратилган. Бирок, мусулмон одам ҳам агар бу дунёда гуноҳ қилса ва тавба қилмасдан ўлса, дўзахга қиради. У гуноҳи борича жаҳаннамда қуяди. Гуноҳлари тугагандан сўнг иймони туфайли дўзахдан чиқиб, жаннатга қиради. Дўзахдаги мусулмонларнинг баъзиларини Аллохнинг руҳсати билан Пайгамбаримиз шафоат қиладилар, яъни дўзахдан олиб чиқадилар. Ҳаётда савобли амалларни кўп қилган яхши



Ислом Нури

мусулмонлар ҳам Аллохдан рухсат сўраб, ўзлари таниган баъзи мўминларни дўзахдан чиқариб оладилар. Агар инсон бу дунёда Аллохга иймон келтирмаган ва ибодатлар килмаган бўлса, уни дўзахдан ҳеч ким кутқариб қолмайди. Кофир ва мунофиклар дўзахда абадий қолиб кетадилар.

Бир куни Пайгамбаримиз Курайш қабиласини йигиб, уларга дўзах хақида гапирдилар. Дўзахдан қутулиш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши кераклигини айтдилар. Кейин ўзларининг қизларига қараб: **«Эй, Мухаммаднинг қизи, Фотима!»** - дедилар, **«Сен ҳам ўзингни ўзинг дўзахдан қутқаргин. Чунки мен сизларга Аллохнинг олдида ҳеч нима қилиб бера олмайман»**. Ана кўрдингларми?! Хатто Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва саллам ҳам ўз қизларини агар Аллохнинг айтганини қилмаса, дўзахдан саклаб қололмас эканлар. Демак, ҳар бир инсон дўзахга тушиб қолмаслик учун ўзи ҳаракат қилиб, Ислом динига тўлиқ амал қилиши керак. Қўнгли тоза, одобли ва хушмуомала бўлиши лозим. Тез-тез садақа қилиб туриши, Аллохга дуо қилиб, дўзахдан саклашини сўраб юриши зарур.

15- коида. Аллох Ўзига итоат қилмаган бандлар учун жаҳаннамни яратган. У жуда ҳам ёмон жой. Кофирлар, мунофиклар шубҳасиз, дўзахга тушадилар ва у ердан қайтиб чиқмайдилар. Гунохкор мусулмонлар ҳам дўзахга қирадилар. Улар гунохлари борича азобланиб, кейин дўзахдан чиқадилар ва жаннатга қирадилар. Аллох бизни гунох ишлардан узок қилсин. Фақат яхши амаллар қилиб, жаннатга қирашимизни насиб этсин. Омийн!



Саволлар

1. Киёмат куни дўзахни кандай килиб олиб келинади? Ярамас одамларни кандай килиб дўзахга ташланади?
2. Жаханнам олови хакида нималарни биласиз? Жаханнамда яна кандай азоблар бўлади?
3. Дўзахиларнинг овкати ва ичимликлари нималардан иборат?
4. Дўзахга канака одамлар тушишини айтиб беринг.
5. Дўзахга тушиб колмаслик учун нима килиш керак?